



300, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.  
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «29» август

№ 1082-К

Самарқанд туман “Қўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Худойбердиев Муродга мебел ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа хתיёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институтининг баённомаси, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг муҳофаза қилиш кўмитасининг хулосаси ва фуқаро Худойбердиев Муроднинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 57 контуридан фуқаро Худойбердиев Муродга мебел ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,28 га (шундан: 0,28 га туман захирасидаги қишлоқ қалиғида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Худойбердиев Муродга мебел ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига асосан қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат департаментининг пертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқ бўлими 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Муродмуродов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров